Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 февраль 1972 йил, сешанба ✦ № 44 (15.215). ✦ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИШЧИЛАР СИНФИНИ, КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАРНИ, ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИНИ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙИНИ ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА, ҚЎП МИЛЛАТЛИ СОЦИАЛИСТИК ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, ЭКОНОМИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, МАДАНИЙ ҚУРИЛИШДА, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ЯНГИДАН-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН НИШОНЛАШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ СССРДАГИ МИЛЛАТЛАР ВА ЭЛАТЛАР БИРЛИГИ, УЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ТЕВАРАГИДАГИ ЖИПСЛИГИ, ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИГА САДОҚАТИНИНГ ЯНГИ ЕРҚИН НАМОЙИШИ БЎЛАДИ, ДЕБ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қароридан.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар, бутун Совет халқи 1972 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлайдилар.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги — кўп миллатли халқимизнинг буюк байрамидир.

Ана шу юбилейга тайёргарлик КПСС XXIV съезди ғоялари ва қарорлари таъсири остида ўтмоқда. Меҳнаткашлар съезд белгилаб берган планларни меҳнат ғайрати ва сиёсий фаолияти ғоят ўсган бир вазиятда бажараётганликлари жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлигини, партия билан халқнинг моналит жипслигини, улуғ Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада зўр куч билан намойиш қилади. Съезд ғоялари жаҳон социалистик ҳамдўстлигини, коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, бутун халқаро вазиятга, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туб социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, миллий масала юзасидан ленинча программани турмушга тадбиқ этишнинг, совет республикалари ташкил топишининг асосий сиёсий шарт-шароити бўлди. Янги жамият барпо этиш йўлига ўтиб олган турли миллат меҳнаткашларининг умумий манфаатлари, уларнинг ўз куч-ғайратлари ва қардошларча ҳамкорликни бирлаштириш йўлидаги интилишлари 1922 йил декабрь ойида кўп миллатли ягона давлат — ССР Иттифоқининг вужудга келишида ўзининг амалий ифодасини топди.

СССРнинг ташкил топиши ўзининг сиёсий аҳамияти ва социал-иқтисодий натижалари жиҳатидан Совет давлати тарихида жуда катта ўрин олади. Ана шу тарихий воқеа — пролетар интернационализми ғояларининг яққол ғалабасидир. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатини амалга оширишнинг самарали натижасидир. Совет Иттифоқининг ташкил топиши жамиятни социалистик негизда қайта қуриш, барча совет республикаларининг экономикаси ва маданиятини юксалтириш, кўп миллатли меҳнаткашлар давлатининг мудофаа қудратини ва халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирилишини таъминлаган ҳал қилувчи омилларнинг бири бўлди.

Совет Иттифоқи озод халқларнинг илгари тарихда мисли кўрилмаган бирлик ва дўстлик муносабатларининг гавдаланишидир. Бу дўстлик — социализмнинг энг буюк ғалабаларидан бири, совет жамиятини ҳаракатга келтирувчи қудратли куч, СССРдаги барча миллат меҳнаткашларининг коммунизм қуришдан иборат энг олижаноб мақсад йўлидаги ижодий бунёдкорлигининг битмас-туганмас манбаидир.

Партия ва халқнинг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин кўп миллатли социалистик давлатни вужудга келтиришда жуда катта хизмат қилди. У К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ғояларини ижодий тарзда ривожлантириб, миллий масала хусусида мукаммал таълимот яратди. Коммунистик партия миллий сиёсатининг илмий принципларини ишлаб чиқди. Марксизм-ленинизм жаҳонни революцион тарзда ўзгартиришда миллий масаланинг ўрни ва ролини очиқ кўрсатиб берди, бу масала пролетариатнинг синфий кураши манфаатларига, социализм манфаатларига бўйсунганлигини кўрсатди. Пролетариатнинг партия ташкилотини ва бошқа ташкилотларни интернационал белгига қараб тузиш талаби ленинча миллий программанинг ажралмас таркибий қисми бўлди. Капиталистик асоратга қарши, социал ва миллий озодлик учун курашда барча миллат пролетарларини бирлаштириш ҳаётий зарур эканлиги назария ва практикада исбот қилинди.

Мамлакатимизнинг халқлари асрлар бўйи чоризмга, социал ва миллий зулмга қарши биргаликда кураш олиб бордилар. Ишчилар ҳаракати вужудга келиши ва хусусан В. И. Ленин большевистик партияни ташкил этиши билан ана шу революцион, озодлик кураши янада кенгайиб кетди, онгли, собит қадам ва ташкилий тус олди. Марксизм-ленинизм ғоялари, пролетар интернационализми принциплари Россия халқларини самодержавие ва капитализмга қарши курашга уюштириш ва сафарбар қилишнинг қудратли омили бўлди. Улар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати назарияси ҳамда амалий тажрибаси хазинасини бойитди.

Партия раҳбарлигида олиб борилган синфий жангларда бутун Россия пролетариатининг бирлиги ва жанговар ўртоқлиги вужудга келди, мустаҳкамланди ва чиниқди. Петроград ва Москва, Киев ва Одесса, Иваново-Вознесенск ва Нижний Новгород, Харьков ва Екатеринослав, Боку ва Тифлис, Минск ва Вильно, Рига ва Ревель, Қозон ва Ростов-Дон, Донбасс ва Урал ҳамда бошқа кўпгина саноат марказларининг ишчилари қудратли интернационал революцион куч бўлиб ҳаракат қилдилар.

Онгли пролетарлар реакцияга қарши курашда ишчиларни энг камбағал деҳқонларни маҳкам жипслаштириш учун доим ҳаракат қилиб келдилар ва буржуа-миллатчилик идеологияси ҳар қандай формаларнинг, буюк давлат шовинизми ёки маҳаллий миллатчиликнинг, миллий кибр ёки миллий нигилизмнинг, антисемитизм ёки сионизмнинг пайини қирқиб келдилар. Коммунистик партия, ишчилар синфи меҳнаткашлар бирлигининг янги дунёсини синфий ва миллий зулм, миллий адоват ва маҳдудликнинг эски дунёсига қарама-қарши қўйдилар. Ана шу янги дунёда кишининг-киши томонидан, бир миллатнинг иккинчи миллат томонидан андаккина бўлса ҳам эзилиши учун, ҳар қандай миллий имтиёзлар учун ўрин йўқ.

Ленин партияси, ишчилар синфи барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқий тенглигини, миллатларнинг тенг ҳуқуқли халқлар мустаҳкам ихтиёрий иттифоқини қарор топдириш учун мустақил давлатлар тузишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қатъий ҳимоя қилдилар. Ленин Октябрь революциясидан сал вақт илгари бундай деб ёзган эди: «Биз ўз тақдирини ўзи белгилашни, **яъни** эзилган миллатларнинг мустақиллигини, **яъни** уларнинг ажралиб чиқиш эркинлигини хўжалик жиҳатидан майдалаб юборишни ёки майда давлатларни орзу қилганлигимиз учун эмас, балки аксинча, йирик давлатлар бўлишини истаганлигимиз учун ва миллатларнинг яқинлашувини, ҳатто қўшилиб кетишини, лекин ажралиб чиқиш эркинлигисиз **асло мумкин бўлмаган** чинакам демократик, чинакам интернационалистик базада яқинлашуви ва қўшилиб кетишни истаганлигимиз учун талаб қиламиз» (Асарлар, 21-том, 445-бет).

Янги типдаги кўп миллатли давлатни ташкил этиш тажрибаси социалистик революциянинг капиталистик эксплуатация системасини ва у билан бирга миллий зулм системасини тугатиш мақсадида ишчилар синфи бошчилигида барча халқ кучларини маҳкам жипслаштиришни таъминлаяжагини кўрсатади. Пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ана шу тарихий вазифани бажаришнинг, мамлакатдаги миллатлар ва элатларнинг социалистик турмуш тарзини шакллантиришнинг ҳал қилувчи сиёсий замини, ишлаб чиқариш воситаларининг жамоат мулкига айлантирилиши эса унинг асосий иқтисодий замини бўлди.

Омманинг революцион ҳаракатлари жараёнида меҳнаткашлар ҳокимиятининг Советлардан иборат формаси вужудга келганлиги халқларни кўп миллатли социалистик давлатга жипслаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Совегларнинг меҳнаткаш аҳоли ҳамма табақаларига яқинлиги ва мақбуллиги туфайли улар кўп миллионли деҳқонлар оммасини, турли миллатларга мансуб бўлган барча меҳнаткашларни ишчилар синфи теварагига бирлаштириш имкониятини тугдирди. Советларнинг интернационал табиати республикаларнинг меҳнаткашлар оммасини ягона давлат тузиш сари отлантирди. Советлар фаолиятининг тажрибаси ишчилар ва деҳқонлар ғоят кенг ва изчил демократизм, миллатларнинг тамомила тенглиги негизида давлатни муваффақиятли бошқара олишларини кўрсатди.

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда миллий масала социалистик жамият қурилишининг туб масалаларидан бири бўлди. Янги тузумнинг тақдири бу масаланинг тўғри ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. **Ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифода этаётган Коммунистик партиясина ленинча миллий сиёсатни амалга ошириб, барча миллатлар ва элатларни ягона интернационал қардошлик оиласига жипслаштира олди ва уларнинг куч-ғайратини янги жамиятни вужудга келтириш учун сафарбар қила олди.** Коммунистик партия марксизм-ленинизм назариясига оғишмай амал қилганлиги туфайли ана шу тарихий вазифани шараф билан бажарди.

Октябрь ғалабасидан кейин қабул қилинган Россия халқлари ҳуқуқлари декларациясида, меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларациясида, РСФСРнинг ва бошқа совет республикаларининг конституцияларида пролетариат диктатураси даврида сиёсий, иқтисодий ва маданий қурилишнинг асосий принциплари эълон қилинди. Федератив асосда бирлашишга табиий интилиш — собиқ чор Россияси халқлари революция жараёнида вужудга келтирган барча совет республикаларига хос хусусият эди. Улар социализм қуриш йўлига ўтиб олиб, Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси теварагига тобора маҳкам жипслашдилар. Бу республика ССР Иттифоқининг ўзига хос тимсоли бўлди. Совет ҳокимиятининг дастлабки беш йиллиги даврида миллатлар ва элатлар ўртасида янги, социалистик ўзаро муносабатларни ва ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида бой тажриба тўпланди.

Ишчилар ва деҳқонлар кўп миллатли давлатнинг ташкил этилиши Улуғ Октябрь ишларининг давоми, бутун мамлакат миқёсида революцион ўзгаришларнинг давомидир. Тарихий тараққиётнинг объектив борниси бу давлатни ташкил этишни тақозо қилди. В. И. Ленин чуқур илмий таҳлил асосида шу нарсани кўрсатиб берди-ки, совет республикаларининг ғоят мустаҳкам иттифоқи бўлмаса, жаҳон империализми қаршисида бу республикаларнинг мавжудлигини қаттиқ туриб химоя қилиш мумкин эмас; социалистик республикалар иттифоқини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш керак — бу чора «жаҳон буржуазиясига қарши курашмоқ учун ва унинг фитнафасодларидан химоя қилиш учун бизга ҳам, жаҳон коммунистик пролетариатига ҳам керак» (Асарлар, 36-том, 636-бет):

совет республикаларининг иттифоқи бўлмаса, уларнинг мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлиги бўлмаса, империализм вайрон қилган ишлаб чиқарувчи кучларни тиклаш, умумий план асосида бошқариладиган ягона социалистик хўжаликни вужудга келтириш, рационал ижтимоий меҳнат тақсимотини амалга ошириш ва табиий бойликлардан мамлакатда яшовчи барча халқларнинг бахт-саодати йўлида самарали фойдаланиш мумкин эмас;

совет республикаларининг мустаҳкам иттифоқи бўлмаса, меҳнаткашларнинг фаровонлигини доим ошира бориш, мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва маданиятининг равнақ топишини таъминлаш мумкин эмас.

Бу ҳолатларнинг ҳаммаси совет республикаларини ташқи хавфсизликни ҳам, мамлакат хўжалигини юксалтиришни ҳам, халқларнинг миллий тараққиёт эркинлигини ҳам таъминлай оладиган ягона иттифоқ давлатига бирлаштиришни қаттиқ талаб қилди.

В. И. Ленин пролетариат диктатураси шароитида миллий-давлат муносабатлари тўғрисидаги масалани батафсил ишлаб чиқди. У социалистик давлат қурилишига бевосита раҳбарлик қилди, барча республикаларнинг коммунистларига катта ёрдам берди.

Кўп миллатли социалистик давлатнинг ташкил этилиши — Коммунистик партия раҳбарлигидаги ишчилар синфи бошлиқ барча совет халқлари революцион ижодиётининг буюк натижасидир. Совет республикалари меҳнаткашларининг ягона давлатда бирлашиш йўлидаги интилиши ташқи ва ички контрреволюция кучларига қарши шиддатли жангларда мустаҳкамланди. Гражданлар уруши даврида вужудга келган харбий-сиёсий иттифоқ ташқи сиёсий фаолиятнр мустаҳкам равишда муваффақиятли олиб бориш, халқ хўжалигини тиклаш, экономикани ривожлантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида бирлаликда сарф қилинган куч-ғайрат ва ҳуқуқли халқларни ягона социалистик оилага бирлаштириш йўлига ўтишга табиий ёрдам берди.

Ана шу прогрессив тарихий жараён асосида ленгил жараён бўлмади. Иқтисодий ва маданий қолоқлик билан боғлиқ бўлган кўпгина қийинчиликларни енгиб ўтишга, контрреволюциянинг аввалги миллий адоват сарқитларидан ўз мақсадлари учун фойдаланиш йўлидаги уринишларига қарши, буржуа миллатчилиги ва буюк давлат шовинизмига қарши, партия ичидаги миллий оғмачиларнинг кўрсатган қаршилигига қарши кураш олиб боришга тўғри келди. Ишчилар синфи бирлашиш йўлидаги тенденциянинг асосий ифодачиси, социалистик революция каби бу жараённинг ҳам етакчи кучи бўлиб майдонга чиқди. Пролетарлар большевистик ташкилотларнинг раҳбарлигида синфий, интернационал бирдамлик рухини меҳнаткашлар оммасига сингдирдилар, оммани Совет ҳокимиятининг умумий сиёсий платформаси ва социализм учун кураш платформаси асосида жипслаштирдилар.

СССРнинг ташкил этилиши партиясининг назарий ва сиёсий ишлари натижаси, совет халқларининг ҳар томонлама тўплаган тажрибаси натижаси бўлди ва уларнинг орзу-тилакларини акс этдирди. Ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, пешқадам зиёлилар ССР Иттифоқини вужудга келтириш ленинча ғояснни қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу ғоя бутун халқнинг бирлашиш йўлидаги чинакам ҳаракатида мужассамланди. Совет республикаларини бирлаштириш масаласи Советларнинг губерния, уезд ва волость съездларида, жуда кўп кишининг иштироки билан ўтказилган митинг ва йиғилишларда кенг муҳокама қилинди. Барча миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси социализм ва коммунизм қуришдан иборат муштарак мақсадга эришмоқ учун ўзларининг куч-ғайратлари ва ресурсларини бирлаштиришга қатъий қарор берганликларини изҳор қилдилар.

Барча республикалар Советларининг съездларида иттифоққа бирлашиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди 1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги декларацияни бир овоздан қабул қилди. Бу декларацияда янги иттифоқ давлати 1917 йил октябридаёқ вужудга келтирилган асосларнинг — халқлар тинч-тотув яшаши ва қардошларча ҳамкорлиги асосларининг муносиб якуни бўлади, деб қатъий ишонч билдирилган эди.

Совет республикаларининг ССР Иттифоқига ўз ихтиёрлари билан кирганлиги уларнинг социалистик суверенитетини ёрқин ифода этди ва бу суверенитетни мустаҳкам гарантиялар билан таъминлади. Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси, Украина Совет Социалистик Республикаси, Белоруссия Совет Социалистик Республикаси, Закавказье Совет Социалистик Федератив Республикаси (бу федерация составида Озарбайжон, Арманистон, Грузия бор эди) СССРни ташкил этиш, ягона иттифоқ давлатига бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар.

Тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий давлат иттифоқи ленинча принциплари СССР биринчи Конституциясига асос қилиб олинди. Бу конституция Советларнинг II Бутуниттифоқ съездида, 1924 йил 31 январда узил-кесил тасдиқланди.

Социализм қурилиши жараёнида ССР Иттифоқи миллий-давлат қурилишини давом эттириш ва такомиллаштириш учун қулай социал-иқтисодий шарт-шароитлар аста-секин вужудга келди. 1924 йилда Туркманистон ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикалари, 1929 йилда эса Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. 1936 йилда Қозоғистон ва Қирғизистон автоном республикалари иттифоқдош республикаларга айлантирилди. Илгари Закавказье Совет Социалистик Федератив Республикасини ташкил этган Озарбайжон, Арманистон ва Грузия совет республикалари 1936 йилда бевосита СССР составига ўтди. Революция вужудга келтирган миллатларнинг сиёсий тараққиёти автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округларнинг ташкил этилишида ҳам ўз ифодасини топди.

1936 йил 5 декабрда қабул қилинган СССР Конституцияси социализм ғалабасини, социалистик жамиятнинг социал ва давлат ташкилоти асосларини, совет халқларини бирлаштириш асосларини конуний тартибда мустаҳкамлади.

1939 — 1945 йилларда украин халқининг қайтадан бирлашганлиги, 1939 йилда белорус халқининг қайтадан бирлашганлиги кўп миллатли социалистик давлатимизнинг ҳаётида шонли воқеа бўлди. Латвия, Литва, Эстония меҳнаткашлари 1940 йилда революцион кураш жараёнида Совет давлатини тикладилар; Латвия, Литва ва Эстония Совет Республикалари ўз халқларининг ҳоҳишини эркин ифода қилишлари асосида ССР Иттифоқига кирдилар. Молдавия халқи қайтадан бирлашганлиги натижасида Молдавия АССР иттифоқдош республикага айлантирилди.

Улуғ Ватан уруши СССРнинг мустаҳкамлиги учун жиддий синов бўлди. Инсониятнинг энг ашаддий душмани — гитлерчилар фашизмига қарши уруш совет халқлари иттифоқ бўлиб, куч-ғайратларини биргаликда сарф қилганларидагина ўз озодлиги ва мустақиллигини, ўзларининг революцион ғалабаларини қаттиқ туриб химоя қила олишларини яққол намойиш қилди.

СССР халқлари ўз социалистик Ватанини химоя қилиш учун, душман устидан тўла ғалаба қозониш учун бир сафда туриб қаҳрамонона жанг қилдилар ва фидокорона меҳнат қилдилар. Улар бутун дунёга сабот-матонат ва мардлик мўъжизаларини кўрсатдилар. Ватан урушида қозонилган тарихий ғалаба социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг афзаллигини, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг буюк ҳаётий кучини ва енгилмаслигини ёрқин кўрсатиб берди. Уруш жаҳон империализмининг ўзаро миллий қиргинчилик кураши бошланиб кетади, кўп миллатли социалистик давлат емирилади деб қилган умидларини чиппакка чиқарди.

Урушдан кейин халқ хўжалигини тиклаш йилларида ҳам, шундан кейинги коммунистик бунёдкорлиқ даврида ҳам СССР халқлари ленинча дўстлигининг ажойиб хусусиятлари — социалистик Ватанга садоқат, фидокорлик, меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам хислатлари ривожланиб борди. Бизнинг қардошлик иттифоқимизда неча ўнлаб миллат ва элатларнинг ўзаро муносабатларида манфаат ва мақсадларнинг, хоҳиш-ирода ва ҳаракатларнинг ғоят мустаҳкам бирлиги, ғоят кучли маънавий қон-қардошлик, ишонч ва ўзаро ғамхўрлик доим намоён бўлмоқдаки, бутун жаҳон тарихи ҳеч қачон бундай ҳолатни кўрган эмас.

Коммунистик партия, совет халқи СССР ташкил этилган кунинг 50 йиллигига тайёрланар экан, босиб ўтилган қаҳрамонона ғалаба ва зафарлар йўлига қонуний ифтихор туйғулари билан назар соладилар. Совет Иттифоқи шонли юбилейни ҳаётнинг барча соҳаларида буюк муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Барча миллат меҳнаткашларининг қардошларча дўстлиги ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда жуда катта роль ўйнади. Мамлакатнинг барча кучлари ва ресурсларини бирлаштириш йўли билангина совет кишилари чоризм ва капитализмдан мерос бўлиб қолган иқтисодий ва маданий қолоқликни тарихан жуда қисқа вақт ичида тугатишга, мамлакатни индустриалаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш, чинакам маданий революцияни амалга ошириш, социализм қуриш ва ССР Иттифоқини ғоят ривожланган қудратли давлатга айлантириш, коммунистик жамият қурилишини авж олдириш имконига эга бўлдилар. Совет Ватани ягона давлат туфайли халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини, уларнинг тинч ижодий меҳнат қилишлари учун керакли шарт-шароитни таъминлаб берган енгилмас мудофаа қудратини вужудга келтира олди.

Мамлакатимизнинг барча халқлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига жипслашиш нақадар кўп самара бераётганлигига, келгусида нақадар кенг имкониятлар очиб бераётганлигига ўзларининг кўп йиллик ҳаётий тажрибасида ишонч ҳосил қилдилар.

Моддий воситалар ва куч-ғайратнинг бирлаштирилиши, совет халқларининг ўзаро бегараз ёрдами барча республикаларда юксак даражада ривож топган саноатни ва механизациялаштирилган йирик қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш имконини берди. Мамлакатнинг миллий даромади СССР ташкил этилган 1922 йилдагига нисбатан 100 баравардан зиёд кўпайди. Чор Россиясининг феодал ва ярим феодал чекка ўлкаларида жуда кўп саноат марказлари ва маданий марказлар, обод шаҳар ва қишлоқлар вужудга келди.

Совет жамиятининг социал-сиёсий ҳаётида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди: эксплуатация ва эксплуататор синфлар, ишсизлик, саводсизлик тугатилди, ишчилар билан деҳқонлар иттифоки мустаҳкамланди. Социалистик миллатлар таркиб топди, совет халқининг социал ва ғоявий-сиёсий бирлиги карор топди. Миллий кадрлар ўсиб етишди, халқларнинг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданияти гуллаб яшнади. СССР халқларининг тилларида илгари мисли кўрилмаган кўламларда адабиёт ва санъат асарлари, илмий асарлар яратилмоқда ва чоп этилмоқда, газета ва журналлар чиқарилмоқда.

Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллатлар ва элатлар тилларининг ҳар томонлама ривожланганлиги — мамлакатимизда миллий масалани муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим натижасидир. Ўтмишда ўз ёзувига эга бўлмаган 40 дан ортиқ халк совет даврида илмий асосда ишлаб чиқилган ўз ёзувига эга бўлди ва эндиликда уларнинг адабий тили ривожланиб бормоқда. СССРдаги барча миллат ва элатлар рус тилини ўз ихтиёрлари билан миллатлар орасидаги алока ва ҳамкорликнинг муштарак тили деб қабул қилдилар. Рус тили совет халқларининг ўзаро алоқа боғлашлари ва жипслашувлари учун қудратли қурол. Ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларидан бахраманд бўлиш воситаси бўлиб колди.

Иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиёт даражасининг тенглашиб, юксалиб бораётганлиги СССРдаги барча республикаларнинг тез ва ҳар томонлама тараққиётининг муҳим омили бўлди. Совет давлатидаги барча миллат ва барча элатларнинг бунёдкорлик ғайрати, ижодий кобилият ва талантлари қардошлик оиласида мисли кўрилмаган даражада тўлик рўёбга чиқди.

РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССР ўзларининг бузилмас иттифоқининг 50 йиллигини куч-қуввати барқ уриб турган шароитда кутиб олмоқдалар. Мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат коммунистик жамиятни барпо этиш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Совет кишиси ана шу миллат ва элатларнинг қай бирига мансублигидан қатъий назар, аввало, Совет Социалистик Республикалари буюк иттифоқининг граждани эканлиги билан фахрланади.

КПСС Марказий Комитети коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга оширишда, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда барча иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, автоном областлар ва миллий округларнинг партия ташкилотлари авангардлик ролини ўйнаётганлигини мамнуният билан таъкидлайди. Улар ҳамиша партиямизнинг жанговар отрядлари сифатида ҳаракат қилмоқдалар, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм байроғини баланд кўтариб бормоқдалар, илмий коммунизм принципларини амалга ошириш учун курашаётган меҳнаткашлар оммасига бошчилик қилмоқдалар.

СССРда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги совет халқи қаҳрамонона куч-ғайратларининг муносиб якуни бўлди. Бу жамиятда:

умумиттифоқ экономикаси — республикалар халқ хўжалигини ўз ичига олган ва бутун мамлакат ва алоҳида олинган ҳар бир республика манфаатлари йўлидаги ягона давлат плани асосида ривожланиб бораётган ўзаро боғланган халқ хўжалик комплекси ривожланишнинг юксак даражасига эришди;

синфий ва миллий антагонизм йўқотилди. Умуман жамият ҳамда ҳар бир миллат ва элат ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилардан таркиб топган бир типдаги социал структурага эга бўлиб қолди;

демократик централизм ва социалистик федерализм, совет социалистик демократияси принциплари асосида иттифоқ давлатчилиги билан республикалар миллий давлатчилиги чамбарчас бирликда ҳар томонлама ривожланиши таъминланди;

фан, техника, маданиятни ривожлантиришда ҳамма миллатлар меҳнаткашларининг актив иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Социалистик миллатлар ва элатлар маданиятларини равнақ топтириш, яқинлаштириш ва ўзаро бойитиш маънавий ҳаётдаги қонуний белгилар бўлиб колди;

марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм ва халқлар дўстлиги идеологияси қарор топди, моддий ва маънавий бойликларни, кадрларни айирбошлаш жараёнлари жадал давом этмоқда, халқлар турмуши бутун укладининг ўзаро таъсири, интернационаллашуви турли шаклларда кучайиб бормоқда. Эндиликда ҳар бир республиканинг меҳнаткашлари миллий хусусиятлар интернационал, социалистик, умумсовет белгилари ва анъаналари билан узвий равишда уйғунлашиб бораётган кўп миллатли коллективдан иборат бўлиб қолди.

СССРда социализм ва коммунизм қуриш йиллари мобайнида одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. У ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётнинг, марксизм-ленинизм идеологияси, ишчилар синфи манфаатлари ва коммунистик идеалларининг бирлиги негизида шаклланди. Совет кишисининг ажойиб фазилатлари: коммунизм ишига садоқат, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм, юксак меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлик, эксплуатация ва зулмга, миллий ва ирқий хурофотларга муросасизлик, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан синфий бирдамлик фазилатлари таркиб топди. Коммунизм учун фидокор курашчилар бўлган чинакам интернационалистлар авлоди ўсиб етишди. СССРда ҳар бир совет кишисининг ижодий имкониятларини янада ўстириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун зарур моддий ва маънавий шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Кўп миллатли Совет давлатини қуриш тажрибаси марксизм-ленинизмнинг қуйидаги хулосаларини:

миллий масала жамиятни социалистик қайта қуриш негизидагина изчиллик билан ҳал этилиши мумкин;

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

миллий тенгликни эълон қиладиган, лекин ҳеч қачон амалга оширмайдиган расмий буржуа демократиясидан фарқли ўлароқ социалистик демократия халқларга тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни гарантиялаб беради, миллий проблемаларни турли миллатлар меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш учун шарт-шароит яратиб беради;

Советлар мамлакатидаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг жуда яқин бирлиги, ҳар томонлама равнақ топиши ва муттасил яқинлашуви тузумимизнинг табиати билан белгиланади, социализмни ривожлантиришнинг объектив қонунияти сифатида намоён бўлади;

социалистик республикалар иттифоқи бутун жамият манфаатларини ҳар бир миллат манфаатлари билан уйғун равишда боғлаб олиб борадиган кўп миллатли Совет давлатини қуришнинг энг ҳаётий ва мукаммал формаси бўла олади, деган хулосаларни жуда яхши исботлади.

Шундай қилиб, **марксизм-ленинизмнинг миллий масала соҳасидаги таълимоти амалда синовдан ўтди, ленинча миллий сиёсат эса тўла ғалаба қозонди.**

Биз Совет Иттифоқининг шонли юбилейини нишонлар эканмиз, партиямизнинг ленинча анъанасига амал қилишимиз — қилинган ишларга якун ясаб, аввало, бугунги ва эртанги кун вазифаларига назар ташлашимиз лозим.

Коммунистик қурилиш шароитларида миллий муносабатларни ривожлантириш социалистик миллатлар ихтиёрий иттифоқини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўлидан бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладида бундай деб таъкидланган: «Ўтган йилларда партия раҳбарлиғида қардош совет республикаларидан ҳар бирини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан аста-секин яқинлаштириб бориш йўлида янги қадамлар қўйилди. Бу яқинлашув миллий хусусиятларни эътибор билан ҳисобга олиш, социалистик миллий маданиятларни ривожлантириш жараёнида содир бўлмоқда. Бутун Иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам доим ҳисобга олиш — партиянинг бу масаладаги сиёсатининг моҳиятидир».

Коммунистик қурилиш давомида эркин халқларнинг партия программ мақсадлари, коммунистик идеаллар учун биргаликда кураш олиб боришнинг давлат формаси сифатида тарихий жиҳатдан ўзини тўла-тўкис оқлаган СССРнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Бу курашнинг муваффақиятли бўлиб чиқиши учун ҳамма республикалар, иқтисодий районлар меҳнаткашларининг, халқ хўжалиги ва маданият ҳамма тармоқларидаги ходимларнинг, кўп миллатли меҳнат коллективларининг ўзаро боғланган куч-ғайратлари айниқса зарурдир. Коммунизмнинг моддий-техника базасини, коммунистик ишлаб чиқарувчи кучларни вужудга келтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштириш, ҳозирги замон фан-техника революциясининг ютуқларини социалистик планли хўжалик системаси афзалликлари билан узвий равишда қўшиб юбориш, меҳнаткашлар турмушининг моддий ва маданий даражасини янада оширишни таъминлаш янги инсонни камол топтириш сингари улуғвор проблемаларни ҳал этиш учун кўп миллатли Совет давлатининг бутун қудратини жамлаш лозим бўлади. Бу давлатнинг имкониятлари ўз ресурсларининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан ҳам, ғайрат ҳаракатларининг уюшқоқлиги, бутун халқнинг ҳаҳиллиги билан ҳам белгиланади.

СССРнинг ташкил этилганлиги ва муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб, бутун инсониятнинг социал тараққиётида муҳим босқичдир. Кўп миллатли социалистик давлатни барпо этиш, халқларимизнинг кўп-ғайратлари билан ривожланган социалистик жамиятни қуриш, жуда мураккаб миллий масалани ҳал этиш соҳасидаги совет тажрибаси жаҳон миқёсида эътироф қилинди ҳамда социал ва миллий озодлик учун ҳамма курашчиларга бебаҳо ёрдам бермоқда.

Капитализм, социал ва миллий зулм, ирқий камситиш системасига эндиликда жаҳон социалистик системаси қарама-қарши бўлиб турибди. Социалистик интернационализм принципларини изчиллик билан амалга ошириш қардош мамлакатларнинг ўзига хос ва умумий манфаатларини ғоят тўла-тўкис рўёбга чиқаришни таъминлайди. Янги ижтимоий тузум халқаро муносабатларнинг янги типини ҳам вужудга келтиради. Доимо кучайиб бораётган сиёсий, хўжалик ва маданий алоқалар, иқтисодий интеграциянинг ривожланиши, тажриба ва билимларни актив равишда баҳам кўриш, ташқи сиёсат соҳасидаги яқин ҳамкорлик социалистик мамлакатлар ўзаро муносабатларини тобора кўпроқ характерлаб бермоқда.

Совет халқининг бошқа социалистик мамлакатлар халқлари билан тобора яқин жипслигига ва дўстлигини мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маффқуравий ва маданий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришга қунт билан эришишни КПСС ўзининг энг муҳим вазифаси, деб билади.

СССР халқаро майдонда тинчлик ва дўстлик сиёсатини қатъият ва изчиллик билан ўтказаётган, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ленинча принципларини қатъий туриб ҳимоя қилаётган, эски ва янги мустамлакачиликка ва ирқчиликка, миллий зулмнинг ҳамма шаклларига кескин қарши чиқаётган куч бўлиб қолди. Бу сиёсат империализм ва реакциянинг агрессив стратегиясига қарши бўлиб турган энг муҳим омил, босқинчилик урушларига қарши, халқларнинг хавфсизлиги ва озодлиги учун, социал тараққиёт учун актив кураш қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Империализмга қарши курашда мустамлакалар ва яриммустамлакаларнинг қўлгина мазлум халқлари давлат мустақиллигини қўлга киритдилар. Бу курашда улар Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликнинг мададига таяндилар.

Бизнинг мамлакатимиз ёш миллий давлатлар билан тенг ҳуқуқлиликка, ўзаро ҳурматга, ички ишларга аралашмасликка, ялпи антиимпериалистик курашда ҳар томонлама ҳамкорликка асосланган муносабатлар ўрнатди. Совет Иттифоқи Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг империализмдан иқтисодий халос бўлиш учун, социал тараққиёт учун олиб бораётган революцион ҳаракатини изчиллик билан қўллаб-қувватлайди. СССР ҳали ҳам яшаб келаётган мустамлакачилик ва ирқчилик режимларига қарши қўлларига қурол олиб жанг қилаётган ватанпарварлар билан интернационал бирдамлик сиёсатини амалга оширмоқда.

Совет Иттифоқи турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат бўлган ҳамда кескинликни юмшатишга, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашадиган ленинча принципни изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинг КПСС XXIV съезди баён этиб берган амалий ва реалистик программаси Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсатини ҳозирги замон шароитларида амалга ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу программа СССР составига кирувчи ҳамма социалистик республикаларнинг, барча совет кишиларининг туб миллий манфаатларига мос бўлиб тушади, ер юзининг ҳамма жойларида бу программа кенг кўламда қўллаб-қувватланди. Эндиликда Совет Иттифоқи бутун дунёнинг кўз ўнгида коммунизм қураётган мамлакат, халқлар дўстлиги макони, халқаро революцион-озодлик ҳаракатининг таянчи сифатида намоён бўлмоқда.

Кўп миллатли совет халқи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини Коммунистик партия раҳбарлигида ушбир программасида, КПСС XXIV съезди қарорларида белгилаб берилган йўлдан комил ишонч ва собитқадамлик билан олга бораётган, метиндек жипслашган, куч-қувватга тўлган ҳолда қутиб олмоқда. Коммунистик қурилишни давом эттиришнинг съезд ишлаб чиққан улуғвор планлари мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар меҳнаткашларининг бунёдкорлик ижоди учун кенг имконият очиб беради.

Шонли юбилейга тайёргарлик кўрилаётган шу дамларда КПСС Марказий Комитети Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат ленинча йўлга бундан буён ҳам оғишмай амал қилиш, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштириш ва чуқурлаштириш, уларнинг интернационал социалистик бирлигини янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилиш тўғрисида партия XXIV съездида изҳор қилинган қатъий азмн қарорини яна бир бор таъкидлайди.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

Барча партия, совет, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини коммунистик жамият қураётган мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг бирлиги, дўстлиги ва қардошлиги, КПСС ленинча миллий сиёсатининг, пролетар интернационализмининг тантанаси буюк умумхалқ байрами деб билиб, унга тайёргарликни авж олдириб юборсинлар.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик планларини ишлаб чиқиб, шу асосда ҳар бир республика, ўлка, область, округ, шаҳар, районда, ҳар бир меҳнат коллективида кенг миқёсда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни қизитиб юборсинлар. Корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда ва бўлинмаларда шу санага аталган йиғилишларни ўтказиш кўзда тутилсин.

Бўлажак юбилейга тайёргарлик давомида:

марксизм-ленинизм назариясининг миллий масалага доир принципларини ва Коммунистик партия программасидаги шу масалага доир қоидаларни, ленинча миллий сиёсат кучи ва ҳаётийлигининг манбаларини;

пролетар интернационализми принципларининг жонли тимсоли бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини;

мамлакатимизда социализм ва коммунизм қуриш учун, СССР халқларининг мудофаасини мустаҳкамлаш, эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун, халқаро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон революцион жараёнини ривожлантириш учун Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг аҳамиятини;

СССРда яшовчи ҳамма миллатлар ва элатлар экономикаси ҳамда маданиятини юксалтириш соҳасида, дўстлик, ўзаро ҳурматга ва мустаҳкамланиб бораётган бирликни англашга асосланган миллатлараро янги муносабатларни шакллантириш соҳасида Совет давлати улуғвор фаолиятининг натижаларини;

мамлакатни иқтисодий ва социал-сиёсий ривожлантириш, совет халқи фаровонлигини ошириш, СССР миллатлари ва элатларини равнақ топтириш ҳамда аста-секин яқинлаштириш, умумхалқ социалистик давлатчилигини ва демократиясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш истиқболларини белгилаб берган партия XXIV съездининг ленинча йўлини тушунтиришга эътибор берилсин.

Корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар илғор коллективларининг ССР Иттифоқи юбилейини муносиб қутиб олиш ва тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг қўламда авж олдириш соҳасидаги ташаббуси маъқуллансин.

Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарликдан меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни янада яхшилаш учун актив фойдаланилсин.

Интернационалистик руҳда тарбиялаш барча партия, совет, хўжалик, маданият ва жамоат ташкилотларининг, марказдаги ва жойлардаги, ҳар бир республика, ўлка, областдаги, ҳар бир коллективдаги ҳамма кадрларимизнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Совет кишиларини, ёшларни пролетар интернационализми ва буюк социалистик Ватан — ССР Иттифоқига чексиз садоқат, унинг равнақи тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш — коммунистик ижтимоий онгни шакллантиришнинг муҳим соҳасидир. Бу ишда Совет Иттифоқидаги барча республикалар ишчилар синфичинг, меҳнаткашларнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналаридан ҳар томонлама фойдаланиш, миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, социалистик миллатларнинг равнақ топиш ва яқинлашиш жараёнлари совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларига — экономика ва сиёсатга, идеология ва ахлоққа, маданият ва турмушга баракали таъсир ўтказаётганлигини кенгроқ кўрсатиб бериш лозим.

Омма онгида ягона социалистик Ватанга, янги жамият бинокорларининг буюк интернационал армиясига мансублик туйғусини ҳар томонлама мустаҳкамлаш—ҳар бир коммунистнинг бурчидир. Меҳнаткашларни ҳамма миллатлар ва элатларни чуқур ҳурмат қилиш, миллатчилик ва шовинизм сарқитларига, маҳаллийчилик кўринишларига муросасизлик руҳида тарбиялаш ишини бундан буён ҳам қунт билан давом эттириш, халқлар тарихини баҳолашга изчил синфий, қатъий илмий нуқтаи назардан ёндошишни таъминлаш лозим.

Партия ташкилотлари миллий масала социализм билан капитализм ўртасидаги курашнинг, буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши марксизм-ленинизм олиб бораётган курашнинг ўткир соҳаларидан бири эканлигига амал қилиб иш тутишлари керак. Империалистлар социализм позицияларини бўшаштиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларига нифоқ солишга, миллий-озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашга уриниб, ирқчиликни авж олдиришга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар, меҳнаткашларнинг турли отрядларини миллатчилик пеш қилиб, бир-биридан ажратиб юборишга интилмоқдалар. Буржуа пропагандаси социалистик мамлакатлардаги халқларнинг онгига миллатчилик қарашларини сингдиришга, миллатчиликдан социалистик тузумни қўпориш йўлида фойдаланишга уринмоқда. Вазифа — пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғояларини доимо пропаганда қилишдан, миллатчилик қайфиятлари ва қарашларини тиклаш йўлидаги душман уринишларига ўз вақтида сиёсий баҳо беришдан иборат. Антикоммунизм, ўнг ва «сўл» ревизионизм, миллатчилик ва шовинизм идеологларини қатъият билан фош қилиб ташлаш зарур.

ВЦСПСга СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўришда ва уни байрам қилишда касаба союзларининг кенг иштирок этишини кўзда тутувчи тадбирларни амалга ошириш тавсия этилсин. Ана шу ишнинг ҳаммаси Коммунистик партия раҳбарлигидаги ишчилар синфининг ССР Иттифоқини мустаҳкамлашдаги раҳбарлик ролини кучайтириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган умумхалқ вазифаларини ҳал этишда ишчилар синфи, колхозчилар, зиёлилар, барча меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада ривожлантириш шиори остида олиб борилсин.

ВЛКСМ Марказий Комитетига СССР 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва байрамни ўтказишда комсомоллар, ёшларни қатнаштириш тадбирларини амалга ошириш тавсия этилсин. Комсомол ташкилотларининг иши ёш авлодни коммунистик ғоявийлик, совет Ватанимизга садоқат руҳида, халқларнинг бузилмас дўстлиги, социалистик интернационализм руҳида тарбиялашга қаратилиши лозим. Комсомоллар, барча ёшларнинг миллий масала юзасидан марксча-ленинча назарияни, КПССнинг ленинча миллий сиёсатини, ССР Иттифоқининг ютуқларини ўрганишларига, Коммунистик партия ва Ленин комсомолининг шонли интернационалистик традицияларини ўзлаштиришларига, йигит ва қизларни КПСС XXIV съездининг қарорларини бажариш учун курашда актив қатнаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

СССР Мудофаа министрлиги билан Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси ушбу қарорга мувофиқ, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан пропаганда ва оммавий-сиёсий ишни кенг ривожлантириш тўғрисида командирларга, сиёсий органлар ва партия ташкилотларига бериладиган йўл-йўриқларини ишлаб чиқсинлар. Сиёсий иш барча миллатларга мансуб жангчиларнинг дўстлиги ва қардошлигини янада мустаҳкамлашга, Ватанимизнинг, социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг ютуқлари учун фахрланиш руҳида тарбиялашга, қўлга қурол олиб халқларнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш учун шай бўлиб туриш руҳида тарбиялашга қаратилиши лозим.

«Правда», «Известия», «Социалистическая индустрия», «Сельская жизнь», «Советская Россия», «Экономическая газета», «Труд», «Комсомольская правда» газеталари, «Коммунист», «Партийная жизнь», «Политическое самообразование», «Агитатор» журналлари ва бошқа марказий газета ҳамда журналлар редакциялари, ТАСС, СССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳамда унинг маҳаллий органлари, республика, ўлка, область, шаҳар ва район газеталари ҳамда журналларининг редакциялари СССР 50 йиллигига тайёргарликни, ленинча миллий сиёсатнинг муваффақиятларини, бу сиёсатнинг халқаро аҳамиятини кенг ёритишни уюштирсинлар.

Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашда марказий ва маҳаллий матбуотдан,телевидение ва радиодан тўлароқ фойдаланиш, барча совет республикаларининг ҳаётини, уларнинг қардошларча ҳамкорлигини ҳар томонлама ёритиш ва шу билан бирга кўп миллатли кенг авторлар коллективига — илғор ишчилар ва колхозчилар, олимларга, ижодкор зиёлилар вакилларига, партия ва совет ходимларига, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига таяниш зарур.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, ижтимоий фанлар академияси ва олий партия мактаби, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Фанлар академияси, СССР Маданият министрлиги, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Маориф министрлиги, СССР Юстиция министрлиги, СССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитети, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитети, СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети, Бутииттифоқ «Билим» жамиятининг правлениеси, СССР Ёзувчилар союзи, СССР Кинематографчилар союзи, СССР Рассомлар союзи, СССР Композиторлар союзи, СССР Архитекторлар союзи, СССР Журналистлар союзи правлениелари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан зарур тадбирларни амалга оширишлари, жумладан қуйидагиларни кўзда тутишлари лозим:

Сиёсий, илмий ва бадиий адабиётни тайёрлаш ҳамда нашр этиш; назарий конференциялар, илмий сессиялар, виставкалар, фестивалларни ташкил этиш; фильмларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш, энг яхши илмий асарлар учун, адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарлари учун конкурслар ўтказиш; Москвада, Ленинградда, иттифоқдош республикаларда профессионал ва ҳаваскор бадиий коллективлар ҳамда ижрочиларнинг концертларини уюштириш; ижодий союзларнинг пленумларини ўтказиш; оммавий спорт мусобақалари, спартакиадалар ва шу сингариларни ташкил қилиш.

* * *

КПСС Марказий Комитети ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларни, халқ зиёлиларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шонли юбилейини партия XXIV съезди қарорларини амалга оширишда, кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашда, экономикани ривожлантиришда, маданий қурилишда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда янгиданянги муваффақиятлар билан нишонлашга даъват этади.

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги СССРдаги миллатлар ва элатлар бирлиги, уларнинг Коммунистик партия тевирагидаги жипслиги, интернационализм ва халқлар дўстлиги принципларига садоқатининг янги ёрқин намойиши бўлади, деб ишонч билдиради.

Пролетар интернационализми Ленин байроғидан руҳланган мамлакатимизнинг халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик революцияни амалга оширдилар, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушида бу революциянинг ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

Улар ягона дўст оила бўлиб ривож топган социализмни барпо этдилар.

Совет халқларининг мустаҳкамланиб бораётган бирлиги ва бузилмас дўстлиги — коммунизм қурилишида қўлга киритиладиган ғалабаларнинг гаровидир.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СУРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Сурия Араб социалистик Уйғониш партияси раҳбарлиги ва Сурия ҳукуматининг таклифига биноан Совет партия-ҳукумат делегацияси 21 февралда расмий дўстлик визити билан Москвадан Сурия Араб Республикасига жўнаб кетди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилик қилади. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, армия генерали С. Л. Соколов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Е. И. Кусков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев, СССР Госплани раисининг ўринбосари Н. П. Лебединский, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари И. Т. Гришин, Совет Иттифоқининг Сурия Араб Республикасидаги элчиси Н. А. Муҳиддинов бор.

Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ДАМАШҚ, 21 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси Сурия Араб социалистик Уйғониш партияси раҳбарлиги ва Сурия ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан бугун бу ерга келди.

Тошкент области. Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози парник хўжалигининг коллективи помидорни эрта ҳосилга киритиб ундан яхши ҳосил олаётир. Кунига 450—500 килограммдан помидор терилиб шаҳарликларга жўнатилмоқда. Суратда: парникда намуна кўрсатиб ишлашаётган З. Носирова ва В. Ҳамидовалар етилган помидорни териб олишмоқда.

Ф. Абдурасулов фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«УРУҒЧИЛИККА ЭЪТИБОР ШУМИ?»

Газетамизнинг шу йил 13 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилиб чиққан танқидий мақолада ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу мақола юзасидан 16 февралда қабул қилган қарорида Самарқанд области хўжаликларида навли, районлаштирилган уруғ тайёрлашда жиддий камчиликлар юз берётганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Самарқанд область партия комитети бюросининг райкомларнинг биринчи секретарлари, райижрокомларнинг раислари, область қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари ҳамда базои колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган мажлисида мақолада келтирилган фактлар тўғри деб эътироф этилди. Уруғчилик аҳволи муфассал ўрганилганида дон ва картошка уруғи тайёрлаш ва сақлашда кўпол хатоларга йўл қўйилаётганлиги, айрим жойларда кўзбўямачилик фактлари содир бўлаётганлиги аниқланди. Обком бюроси уруғлик картошка тайёрлашда кўзбўямачилик қилгани учун Булунғур районидаги Навоий номли совхоз директори Ўртоқ Эгамбердиевни ишдан олиб, партия сафидан ўчиришга қарор қилди. Уруғлик картошкани тайёрлашдаги ўзбошимчаликлари учун шу райондаги Гагарин номли совхоз директори Файзиев, Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозининг раиси Рустамов ўртоқларга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Обком бюроси юқоридаги камчиликларнинг содир бўлишига йўл қўйиб, ишда тегишли назорат ўрнатмаганликлари учун Булунғур район партия комитетининг биринчи секретари Х. Ризаев, райижроком раиси Т. Мустаев, Каттақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари С. Ражабов, райижроком раиси Б. Шукуров, уруғлик донни озуқа ўрнида сарфланишига йўл қўйганлиги учун Пастдарғом районидаги Ильич номли совхоз директори Н. Разин, уруғлик навни янгилаш планини бажармагани, биринчи репродукцияли уруғликни реализация қилишда хатоликларга йўл қўйганлиги учун 1- «Ғаллаорол» совхозининг директори В. Е. Васильков ўртоқларга қаттиқ партиявий жазо берди.

Область партия комитетининг бюроси барча район партия комитетларининг биринчи секретарларига ҳар бир хўжаликдаги уруғлик фондини тайёрлашнинг аҳволини текшириб чиқиб, уруғликнинг талон-торож қилинишида айбдор бўлган кишиларни қаттиқ жазолашни топширди.

ЁРҚИН ИСТЕЪДОДЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ

Тошкент телевидение студияси ташаббуси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг 50 йиллик тўйи олдидан ўтказилаётган «Марҳабо, талантлар!» телевизион фестивали навбати бу сафар Фарғона областига берилди.

«Улуғ Ватан» ва «Алёр» хор қўшиқлар янграйди. Фарғона область Охунбобоев район маданият уйи хор коллективи дирижёр Холматжон Қурбонов раҳбарлигида хор қўшиқларини ижро этишда катта маҳоратга эришганликларини кўрсатди. Жюри ҳайъати бу коллектив меҳнатини юқори баҳолади. Фарғона шаҳар халқ филармонияси қошидаги Саиджон Дадажонов дирижёрлик қилган хор коллективи ҳам «Ёрларим» ва «Яли-яли» қўшиқларини ёқимли ижро этиб, энг юқори баҳога сазовор бўлди.

Санъат оқшоми бири-биридан нафис куй, қўшиқ, рақслар билан ораланиб турди. Халқ чолғу ансамбли Раҳмиддин Қипчоқов оркестрга мослаштирган «Завқим келур» куйини маҳорат билан чалди, унинг кетидан Мамасодиқ Мадалиевнинг «Фарғона тонги» таронаси қалбларга ором бахш этди.

— Мен математика ўқитувчисиман, лекин жону дилим санъат — дейди Маликахон Тожибоева. — Ўзбек рақсларини ижро этганимда шодлигимнинг чеки бўлмайди. Дарҳақиқат, Маликахон ўзбек ўйинларининг маликаси «Муножот»ни жуда нафис, жуда назокатли бажариб, телетомошабинларни қойил қолдирди.

Қувалик Солижон ота Ҳошимов билан ўғли Одилжон Солиев ўзбек халқ ашулаларидан «Қачон келасиз»ни жуда чиройли, жуда равон ижро қилишди. Бу тиниқ овоз, ёрқин истеъдод эгалари Москвада ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилган конгрессда ҳам қатнашиб, йирик санъаткорлар таҳсинига сазовор бўлишган.

Телевизион фестиваль қатнашчиларидан Қўқон педагогика институтининг талабаси, механизатор-ҳаваскор Мақсудахон Фозилова, бўлажак медицина ходимлари Аҳмаджон Шерқўзиев, Маҳмуджон Мадраҳимов, қувалик ҳаваскор-хонанда Саёҳатхон Маликова, бўлажак педагог Сайёра Мирзаевалар ижро этган қўшиқлар, Охунбобоев район маданият уйи ашула ва рақс ансамбли томонидан бажарилган «Баҳор рақси» сюитаси, Қўқон педагогика билим юрти дуторчи қизлар ансамбли намойиш килган рақслар гулдастаси табрик ва таҳсинга арзирлидир.

«Марҳабо, талантлар!» фестивали давом этади. Навбат Бухоро область халқ талантларига.

А. ЮСУПОВ.

КЎКЛАМГА ТАЙЁРМИСИЗ

ЯНГИ РЕЖАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорини колхозимиз аъзолари зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Бу қарорда КПСС XXIV съезди белгилаган вазифаларни бажаришда партия ташкилотлари, кадрларнинг роли ҳамда вазифалари тўла баён этилган. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хусусан колхоз ишлаб чиқаришида ҳамма нарсанинг тақдирини кадрлар ҳал қилади. Кадрларнинг билими, ташаббускорлиги, техникага ихлоси нечоғли юқори бўлса ҳар бир хўжалиқ олдида турган вазифалар шу қадар муваффақиятли ҳал қилинади.

1960 йилгача колхозимизда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган олий ва махсус ўрта маълумотли кадрлар кам эди. Ҳозир хўжалигимизнинг турли соҳаларида 18 нафар юқори малакали кадрлар ишлаяпти. Колхозчи-деҳқонларнинг ўғил-қизларидан ўн саккизтаси олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқияпти. Демак, якин йилларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган малакали кадрлар янада кўпаяди, улар маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшади.

Тажрибакор деҳқонларимиз ҳам ўз назарий билимларини ошириш борасида қунт билан ишлаяпти, фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни ҳаётга дадил жорий этяпти. 21 йилдан буён пахтачилик бригадасига моҳирлик билан бошчилик қилаётган Исҳоқжон Камбаров, ўн икки йиллик тажрибага эга бўлган Усмонали Ғўзиматовни колхозчиларимиз ҳақли равишда халқ агрономлари деб атамоқдалар. Улар дала ишларини, хусусан теримни машиналаштириш, кимё мўъжизасидан самарали фойдаланиш йўли билан хосилдорликни кескин оширмоқдалар, ўтган йили гектаридан 42-50 центнердан пахта хирмони кўтариб, колхозимиз, қолаверса Қува район шароитида хосилдорликни ошириш учун катта имкониятлар борлигини исбот этдилар.

Колхозимиз ўтган йили ҳар гектар ердан 37,1 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 7.430 тонна «оқ олтин» етказиб берди, зиммага олинган социалистик мажбурият ҳам шараф билан бажарилди. Мўл ҳосил катта даромад келтирди. Колхозимизнинг ялпи даромади 5 миллион 189 минг сўмни ташкил этди. Фақат пахтачиликдан 1 миллион 240 минг сўм соф фойда олинди. Колхозчиларнинг турмуш маданияти юксалди.

Бироқ, босиб ўтилган йўлга назар ташласак, ҳали қиладиган ишларимиз кўп эканлиги аён бўлади. Мисол учун пахтачиликни олиб кўрайлик. Тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил етиштиришимиз керак. Пахта майдонимиз ҳам чакки эмас — 7 минг гектар!

Одатда, мўл ҳосилга ҳар йили кузда замин яратила бошлайди. Биз бу анъанага доим амал қилямиз. Қишлоқ хўжалик экинлари ери, шу жумладан пахта майдонлари бултур кузда ўғитланиб, чуқур шудгор қилиб қўйилган. Экин ерларимиз етарли нам тўплаб олди. Баҳорда ҳарорат кўтарилиши билан уруғ экилса, чигитнинг ёни ерга тегиши билан кўкариб чиқади. Бунинг учун эса техника воситаларини кўклам экин кампаниясига тўла шайлаб қўйишимиз, бутун куч ва резервларни шу мақсад йўлига сафарбар этишимиз керак. Чунки баҳор фаслида ҳосил заминини деҳқон меҳнати билан фурсат ҳал қилади. Фурсатдан ютган деҳқон ҳосилдан ютади.

Шуни ҳисобга олиб, кўклам гараддудини ҳар қачонгидан кучайтириб юбордик. Шу кунгача 28 ҳайдов трактори ремонтдан чиқарилди, уларга тиркаб ва осиб ишлатиладиган агрегатлар шу жумладан 32 та сеялка, 60 та культиватор тахт қилиб қўйилди. 16 та пахта териш машинаси ва 40 та тележка ҳам баровқт ремонт қилинди. Бу рақамларни тилга олишдан мақсад шуки, кўклам экин кампанияси бошланиши билан вақт тиғиз келиб, иш қўпайиб кетади. Шунинг учун ҳар бир хўжалик ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган тракторлар, машиналар ва агрегатларни шу кунларда ремонтдан чиқариб қўйса, кўкламда иши енгиллашади, кўзланган маррасига тезроқ етади.

Колхозимизда пахтадан юқори ҳосил олишга ижобий таъсир кўрсатадиган бошқа тадбирлар ҳам амалга ошириляпти. Ун далали пахта-беда almашлаб экиш схемасига кўчганмиз. Ҳар қандай шароитда ҳам белгиланган пайкалларга чигит ва беда экилишини таъминлаймиз. Аввалги йилларда деярли ҳамма пахта ерларимизни вилт коллаган эди. Бу офатдан қутулишда, аввало, «Тошкент» навли чигитларнинг яратилиши катта ёрдам берган бўлса, колаверса, almашлаб экиш катта роль ўйнади.

Карталарни йириклаштириш ишини қизғин олиб боряпмиз. Уватлар, кераксиз йўл ва йўлкалар, муваққат суғориш шохобчаларини тугатиш, адир ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини 150 гектар кенгайтирдик. Техника воситаларига эга бўлган махсус бригада тузиб, карталарни текислаяпмиз, машиналарнинг унумли ишлашига шароит яратяпмиз. Бу борада белгиланган режалар биринчи мартгача тўла амалга оширилади.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда минерал ва маҳаллий ўғитларнинг аҳамиятини яхши тушунамиз. Шу боисдан ўғит тўплашни тезкорлик билан давом эттиряпмиз. Шу кунгача 5 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит тўпланди, давлатдан ажратилган минерал ўғитнинг асосий қисми ташиб олинди. Қишлоқ хўжалик мутахассислари ўғитлардан тупроқ картограммасига қаътий риоя қилинган ҳолда фойдаланиш режаларини тузмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида 1975 йилга бориб етиштириладиган пахтани 5 миллион 200 минг тоннага етказиш, шундан 3—3,5 миллион тоннасини машиналарда териб олиниши айтилди. Колхозчи-деҳқонларимиз бу тадбирни чин юракдан маъқуллайдилар. Техника, кимё мўъжизасига таяниб, деҳқончилик маданиятини янада оширишга куч-ғайратларини сафарбар этадилар. Бунинг учун яқинлашиб келаётган кўклам экин кампаниясини пухта ҳозирлик билан кутиб оладилар, чигитни бир ҳафта—ўн кунлик фурсатда экиб олиш тадбирларини амалга оширадилар.

М. ШЕРБУТАЕВ,
Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар—кенг профилли механизаторлар, агрономлар, зоотехниклар, экономистлар ва бошқа мутахассислар тайёрлашни янада яхшилаш тўғрисида бундан буён ҳам доимий ғамхўрлик қилиш зарур. Қолоқ участкалар, бригадалар, чорвачилик фермаларини махсус билимга эга бўлган тажрибали кишилар билан ҳар томонлама мустаҳкамлаш керак.

(ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VI ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН).

Балиқчи районидаги «Коммунизм» колхозида техника ремонти қишки тадбирлар билан қўшиб олиб борилмоқда. Техника жиловкорлари ғайрат билан ишлаб экиш агрегатларини мавсумга шайлаб қўйдилар. Суратда: ремонтда пешқадамлик қилаётган А. Раззоқов ўз универсали ёнида.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

УРУҒЧИЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Деҳқончиликда уруғнинг ҳосияти катта. Сараланган, навли, районлаштирилган уруғнинг жамғариб олиниши ва яхши сақланиши мўл ҳосилга яратилган мустаҳкам заминдир. Деҳқон ҳисобича, биринчи мартдан айрим экинларнинг уруғи ерга қадала бошлайди. Эрта эккан — хирмон қилур, кечга қолган — армон қилур деганларидек, миришкор деҳқонлар ҳосилнинг онаси аталмиш сараланган уруғни иложи борича тезроқ экишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун етарли миқдорда уруғлик фондига эга бўлиш керак.

Биз якинда уруғчилик соҳасида қилинган ишларга якун ясадик. 1972 йилда ички эҳтиёж учун қанча уруғлик сарфланишини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик.

Биз асосан лалмикор 1000 гектар майдонда буғдой, 858 гектар ерда арпа етиштирамиз. Мутахассислар ва бободеҳқонларнинг таклиф-мулоҳазаларини инобатга олиб, уруғлик донни баҳорикор ғаллазорларга тақсимлаб чиқдик. Ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт фонди ажратдик. Кузги ғалланинг ҳолати яхши. Бўлиб ўтган ёғингарчиликлар туфайли тупроқ қатламида етарли нам тўпланди.

Лекин ғалладан баракали хирмон кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган VI пленумида ғалла ҳосилдорлигини ошириш, давлатга дон, хусусан сараланган, районлаштирилган уруғлик етказиб беришни кўпайтириш ғаллакорларнинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу бизга ҳам тўла таллуқлидир.

Ердаги қор эрий бошлади, баъзан ёмғир ёғяпти. Бундай шароитда тупроқнинг устки қатламидаги минерал ва маҳаллий ўғитлар остки қатламига тушиб кетади, ғалла майсалари озуқага муҳтожлик сезади. Шуни ҳисобга олиб, ер етилиши билан бир қатор агротехника тадбирларини амалга оширамиз. Жумладан, кузги ғаллазорларда бороналаш ўтказамиз. Натижада нам тўла сақлаб қолинади, тупроқ қатламига илиқ ҳаво кириб, ўсимликнинг тез ўсиши ва ривожланишига имконият яратади. Ҳар гектар ер ҳисобига 100-150 килограмм миқдорида фосфор ўғити соламиз. Ўтган йилларнинг тажрибаси шундай қилинганда ҳосилдорлик 3-4 центнер кўтарилишини исбот этди.

Колхозимизда кўплаб ғалла усталари етишиб чиқди. Ким Ир Нам, Дё Андрей, Алексей Шалагин каби механизаторлар ғаллачилик соҳасидаги ҳамма ишларни машиналар ёрдамида бажармоқдалар. Умуман олганда, хўжалигимизда дон экишдан тортиб, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, ташишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси машиналаштирилган.

Баҳор экин кампаниясига тайёргарлик ҳақида гап бораркан, мавжуд техника воситаларини тахт қилиб қўйганимизни айтиб ўтмоқчиман. Ремонтдан чиқарилган сеялкалар, комбайнлар ва бошқа агрегатларни махсус комиссия юқори баҳо билан қабул қилди. Шу кунларда қолган техника воситалари ремонти тугалланмоқда. Биринчи мартгача бу ишни қўлдан чиқарамиз. Баҳорикор ерларга ғалла экишни 7-8 иш кунида тугаллаймиз. Бултур кузда 1858 гектар майдонга буғдой экилган эди. Ўша майдонлардаги ўсимликларни озиқлантириш учун гектар ҳосибига 4-5 тоннадан маҳаллий ўғит ҳам жамғариб қўйдик.

1972 йилда катта ғалла хирмони кўтариш ниятимиз бор. Ҳосилдорликни бултургига нисбатан гектар бошига 2 центнер оширамиз. 200 гектар эски бедазор ўрнига кузги дон экилган эди. Ўша майдонларнинг ҳар гектаридан 18-20 центнердан ҳосил олишни кутяпмиз, шунга яраша парвариш ўтказамиз. Дон тайёрлашни кўпайтириш билан ҳар центнер маҳсулотнинг таннархини 8-10 процент камайтирамиз. Бунинг учун ғаллачиликдаги бутун ишлаб чиқариш жараёнини механизмлар зиммасига юклаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми ҳужжатларида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланаётганлиги, қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бораётганлиги, қишлоқ маданиятининг юксалаётганлиги, қишлоқ ҳаётининг қайта қурилаётганлиги туфайли деҳқонлар ишчилар билан бир қаторда тобора кўпроқ муштарак фазилатларга эга бўлмоқдалар, дейилган. Колхозимиз аъзолари пахта, чорвачилик маҳсулотлари, хусусан дон етиштиришни кескин кўпайтириш билан ўз фазилатларини намойиш қиладилар.

ПАК ДЕН ХИБ,
Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.

ТЕХНИКА ШАЙ

Беруний районидаги Навоий номли колхозда ҳамма сеялкалар, плуглар, ҳайдов ва чопиқ тракторлари, бороналар, аравачалар кўклам экиш ишларига шай қилиб қўйилди. Бу ердаги қишлоқ хўжалик машина-механизмлари ўтган йилга қараганда ўн кун аввал ремонтдан чиқарилди. Устахоналарда ремонт бригадалари билан биргаликда тракторчилар «зангори кема» механик-ҳайдовчилари ҳам меҳнат қилдилар. (ЎзТАГ).

ҚАЧОН РЕМОНТ ҚИЛАСИЗ?

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА ТЕХНИКА РЕМОНТИ КЕЧИКМОҚДА

Далаларда тракторлар гуриллаши, жўшқин меҳнат гулдуроси бошланадиган вақт яқинлашиб қолди. Тадбиркор деҳқонлар, азамат механизаторлар баҳор тараддудини кун сайин авж олдирмоқдалар, техникани тез ва соз тахт қилиш тадбирларини изчил амалга оширмоқдалар.

«Ўзсельхозтехника»нинг Янгариқ ва Хива районлари бирлашмаларида, кўпгина хўжаликларда техника ремонти уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Янгариқ районидаги Охунбобоев номли, Хива районидаги Фрунзе номли, Боғот районидаги Нариманов номли колхозларда механизмлар ва тирков асбобларининг асосий қисми баҳорги ишларга шай қилиб қўйилди.

Аммо, умуман олганда, областда техника ремонтининг бориши қониқарсиз аҳволда. «Ўзсельхозтехника»га қарашли устахоналарда ҳайдов тракторларининг 56,5 проценти, чопиқ тракторларининг 54 проценти, тирков асбобларининг кўп қисми ҳали ремонтдан чиқарилмаган. «Ўзсельхозтехника»нинг қатор район бирлашмалари ва бўлимларида, айрим хўжаликларда техника ремонти ниҳоятда кечикмоқда, механизмларни сақлашда хўжасизликка йўл қўйилмоқда.

Боғот районида мавжуд 198 ҳайдов тракторининг ярмидан кўпроғи, 591 чопиқ тракторининг 250 га яқини баҳорги ишларга тайёр эмас. Плуг ва сеялкалар ремонтига ҳали қизғин киришилмаган.

«Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасида ремонт ишлари ўлда-жўлда. Ремонтчилар ўртасида меҳнат интизоми бўш, уларга қулай шароит яратилмаган. Эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилмаётир. Натижада устахонага келтирилган 37 та «ДТ-54» тракторидан атиги 9 таси, «Т-28» маркали 72 трактордан 32 таси ремонт қилинган, холос, 6 та «С-100» маркали трактор ремонтига қўл урилмаган. Бошқа талай механизмлар ва тирков асбоблари ҳам навбат кутиб турибди. Бирлашма бошқарувчиси О. Эгамбердиев, бош инженери О. Раззоқов, устахона мудири М. Машарипов ўртоқлар ваъдабозлик билан банд бўлиб ғанимат кунларни бой бермоқдалар.

Айрим хўжаликларда ремонтнинг аҳволи бундан ҳам ташвишли. «Ленинизм» колхозида 31 ҳайдов тракторидан 9 таси, 77 чопиқ тракторидан 32 таси тахт қилинган холос, 24 плуглан фақат 6 таси, 15 сеялкадан биттаси ремонтдан чиқарилган. Колхоз раиси Қ. Бекчонов, инженери С. Бекчонов ўртоқлар «ҳали вақт эрта» деган кайфият билан ялло қилиб юрибдилар. Ремонт эса чўзилиб кетяпти. Боғот районининг Ленин номли, Димитров номли ва «Тошкент» колхозларида ҳам техника ремонти кечикмоқда.

«Ўзсельхозтехника»нинг Гурлан район бирлашмаси устахонасида ремонт суръати сust. Механизмлар очиқда сақланиб, ремонтчилар унумли ишлай олмаяпти. «Коммунизм» колхозида ва «Янгиобод» совхозида тракторлар, тирков асбоблари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ҳовлилари ёнида қор тагида ётибди.

Ҳазорасп районида техникани ремонт қилиш ҳаддан ташқари сust боряпти. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасида ва колхоз устахоналарида механизмларнинг катта қисмига ҳали қўл урилмади. Эҳтиёт қисмлар базалардан ўз вақтида келтирилмай, ремонт чала ҳолида қолаётир.

Урганч районининг баъзи колхозларида техникани сақлашда эгасизлик ҳукм сурмоқда. Энгельс номли колхозда Ш. Қурбонов, О. Эрматов каби колхозчиларнинг ҳовлиси ёнида 3 та «Ўзбекистон» машинаси занглаб ётибди. «Комсомол» колхозида М. Рўзимов деган киши зиг-заг боронасини молхона атрофини ўраш учун ишлатган. Бу ҳолни колхоз раиси Я. Жабборов билмайди дейсизми!

Машина ва механизмларни муҳлатидан олдин ҳисобдан чиқариб ташлаш фактлари ҳам учрайди. Боғот районидаги Ленин номли колхозда 8 трактор белгиланган муҳлатгача ишлатилмасдан, давлат қишлоқ хўжалик техника инспекцияси рухсатисиз ҳисобдан чиқарилган. Гурлан районидаги «Гулистон» совхозида «Белорусь» ва «Т-4» маркали тракторлар, Янгиариқ районидаги Карл Маркс номли колхозда янги текислаш механизми қисмларга ажратиб ташланган.

Баъзи устахоналарда ремонтнинг сифати талабга жавоб бермайди. «Ремонтдан чиққан» тракторларнинг ўриндиқлари ва ойналари almаштирилмаган, электр ускуналари ўрнатилмаган. Машина ва механизмлар чангдан тозаланмай бўяб юборилган. Бундай фактлар «Ўзсельхозтехника» Шовот район бирлашмаси устахонасида ва бошқа устахоналарда ҳам юз берди.

Техника ремонтидаги қолоқлик, сифатни бузиш ва хўжасизлик ҳоллари давом этишига тоқат қилиб бўлмайди. Область ва районларнинг, «Ўзсельхозтехника» бирлашмалари ва хўжаликларнинг раҳбарлари ремонт суръатини тезлатиш ва сифатини яхшилаш тадбирларини қатъият билан амалга оширишлари лозим. Чунки фурсат ғанимат, баҳор эшик қоқиб турибди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ РЕЙД БРИГАДАСИ:

С. ҲАИИТБОЕВ,
Хоразм область халқ контроли комитети инспектори,
Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,
Л. МИШЛЯНОВ,
«Правда Востока»нинг махсус мухбири.

Техника тайёргарлигини текшириш рейдида 350 га яқин киши қатнашди.



ДЕПУТАТ ОТАРИДА

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК

СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Авалбек Умаров «Нурота» давлат наслчилик заводининг тажрибали чўпонидир. Унинг отарида 600 бошдан зиёд қўй бор. Ҳар 100 бош совлиқдан 180 тадан қўзи олишга аҳд қилган. Қўйларнинг қўлда боқилаётганига 60 кундан ошди. Шу даврда моҳир чўпон бирор бош қўйнинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймади. Аксинча, уларни яхши парваришлаб, семиртиряпти.

— Деҳқонлар кўкламги ишларга пухта тараддуд кўрмоқдалар, — дейди депутат чўпон, — биз, чорвадорлар ҳам қўзилатиш кампаниясини ҳар жиҳатдан пухта кутиб олишимиз керак. Киш қаттиқ ва узоқ келди, бундан кейин ҳам ёғингарчиликлар бўлади. Демак, чорвадорларнинг меҳнати янада муракаблашади. Лекин бундан чўчимаймиз. Ем-хашакни маромида сарфлаб, чиқимга йўл қўймаймиз. Ҳозир заводимизда қўзилатишга тайёргарлик қизитиб юборилди. Қўзи сўйиш, тери тузлаш жойлари ҳозирланяпти, қўзилайдиган совлиқларга едириш учун қўшимча ем-хашак ташиб келтириляпти. Мен отарим бўйича кўклам тараддудини кўриб бўлдим. Ҳар 100 совлиқдан 180 тадан қўзи олиш ҳақидаги ваъдамни сўзсиз бажараман.

Заводнинг бошқа отарларида ҳам қишлов ташвишли жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтаётир, салкам 56 минг бош қўй зоотехника қоидаси асосида парваришланяпти. 36 минг бошдан зиёд совлиқ қўзилатишга мослаб боқиляпти.

Б. ИМОМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

«Ленинобод» колхозининг устахонасида бўлган киши ҳайратдан ёқасини ушлайди. 8 та ҳайдов ва 26 та чопиқ трактори, кўплаб чизель ва плуглар кор-лойга булғаниб ётибди. «ДТ-75» тракторининг эҳтиёт қисмлари талон-торож қилиб юборилган. Ремонтбоп агрегатларнинг кўпчилик қисмига ҳали қўл урилмаган. Колхоз раиси Ғиёсов, бош инженер Йўлдошев ўртоқлар бундай ачинарли аҳволни кўрсалар ҳам, ўзларини билмаганга солиб юрибдилар. Баҳолонки, кўклам экин мавсумининг бошланишига, юқоридаги техника воситаларининг ишга туширилишига жуда оз фурсат қолди.

Ўртоқ Сўфиев раислик қилаётган «Пахтаобод» колхозида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ўтган йили кузда устахонага келтирилган машина ва агрегатлар қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилган. Ремонтчилар орасида иш яхши ташкил қилинмаган, кунлик графиклар бажарилмаяпти.

Охунбобоев номли, Жданов номли, «Ленинизм» колхозларининг раҳбарлари техникани кўклам кампаниясигача шайлаймиз деб ваъда берганларига кўп бўлди. Лекин амалий иш қилинаётгани йўқ, ремонт ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётибди.

«Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи Ҳ. Юсупов юқорида номи тилга олинган хўжаликларда тез-тез бўлиб туради. Бироқ, юз бераётган ачинарли аҳволни тузатиш чораларини кўрмайди, устахоналарга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш топшириғи қандай бажарилаётгани, ремонтнинг сифати билан қизиқмайди. Аҳвол шундай давом этаверадиган бўлса, баҳорда ер чизиб қолинади-ку?

Т. УМАРОВ,
Олтиариқ райони.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ВАҚТ ЭРТА ЭМИШ...

● ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

● АҚШ КОММУНИСТЛАРИНИНГ АНЖУМАНИДА

● ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

● АҚШ УРУШГА ЗЎР БЕРАЁТИР

● КОАЛИЦИОН ҲУКУМАТГА ХОТИМА БЕРИЛДИ

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 21 февраль. ТАСС мухбири Э. Баскаков хабар беради: Бу ерда Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг XX съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Съезд делегатлари ва меҳмонлари Коммунистик партия бош секретари Гэс Холлнинг АҚШнинг ички ва халқаро аҳволи ҳамда меҳнаткашларнинг манфаатлари учун курашдаги партиянинг вазифалари тўғрисидаги сиёсий докладини муҳокама қилишга киришдилар. Ҳозирги вақтда Америка халқининг олдида турган энг актуал проблемалар, яъни тинчлик учун, ирқчиликка ва ирқий камситишга қарши, меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун кураш ва уларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш проблемалари съезд қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

Коммунистик партия Миллий Комитетининг секретари Шарлен Митчелл съезднинг ялпи мажлисида доклад қилиб, Анжела Дэвисни ва АҚШдаги бошқа сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун кураш тўғрисида гапирди. Докладчи Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам, шунингдек, бутун дунёда ҳам мана шу мард америкалик коммунист аёлга полиция ва суд азоб бераётганлигига қарши норозилик ҳаракати кучайиб бораётганлигини айтиб, Дэвисни гаров эвазига дарҳол қамоқдан бўшатишга Калифорния маъмурларини биринчи навбатда мажбур этиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Съезд қатнашчиларидан бир группасининг таклифига биноан Анжела Дэвис сиртдан съезд делегати қилиб сайланди.

Коммунистик партия миллий раиси Генри Винстоннинг Анжела Дэвисни гаров эвазига қамоқдан бўшатириб олиш ва Калифорния реакциясининг Дэвисни таъқиб қилаётганлигини тўхтатириш кампанияси кенгайтирилсин ва активлаштирилсин деган даъватини съезд делегатлари бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

19 февраль куннинг иккинчи ярмида Нью-Йорк марказий меҳмонхоналаридан бирида съезднинг очиқ мажлиси ўтказилди. Бу мажлис делегатларнинг жамоатчилик вакиллари билан дўстона учрашувига айланди.

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги шиорлари остида ўтказилган йиғилишнинг мингдан кўпроқ қатнашчилари Коммунистик партия бош секретари, АҚШ президентлиги лавозимига Америка коммунистларининг номзоди Гэс Холл нутқини қизғин кутиб олишди.

Гэс Холл АҚШ президенти Р. Никсоннинг Хитой Халқ Республикасига қилаётган сафарини шарҳлаб айтдики, бу сафарнинг мақсади тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини ҳам, Америка ва Хитой халқлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш манфаатларини ҳам асло кўзлаётгани йўқ. Шу сабабли Пекин раҳбарлари билан АҚШнинг ҳукмрон доиралари ўртасида рўй бериши мумкин бўлган тил бириктириш, деди пировардида Гэс Холл, тинчликка ва барча халқларнинг манфаатларига жиддий хавф бўлиб қолади.

Вице-президентлик лавозимига АҚШ Коммунистик партиясининг номзоди, озодлик учун курашувчи ёш ишчилар иттифоқининг раиси Жарвис Тайнер ўзининг нутқини урушга ва агрессияга қарши, ёшларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари учун олиб борилаётган курашда Америка ёшларининг, бутун дунёдаги йигит-қизларнинг бирлигини мустаҳкамлаш вазифаларига бағишлади.

АҚШ Коммунистик партиясига КПСС Марказий Комитетидан, шунингдек чет эллардаги бошқа бир қанча коммунистик ва ишчи партияларидан келган табрикномалар йиғилишда ўқиб берилганида мажлис аҳли бу табрикномани гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Съездга таклиф қилинган меҳмонларга давлат департаменти мамлакатга кириш учун рухсатнома беришни ҳеч бир асоссиз равишда рад этганлиги натижасида чет эллардаги кўпгина Коммунистик партиянинг вакиллари АҚШга келолмай қолганлиги тўғрисида илгари хабар бериб ўтилган эди. Йиғилиш қатнашчилари Америка ҳукуматининг бу харакатларидан ўзларининг ғазабланганликларини изҳор қилиб, чет эл Коммунистик партиялари вакилларининг АҚШга келишига давлат департаменти рухсат бермаганлигини қораловчи резолюцияни бир овоздан маъқулладилар.

Чили Миллий Конгрессининг АҚШда турган депутати коммунист Луис Фигероа йиғилишда катта нутқ сўзлади. У Чили халқининг янги ҳаёт қуришдаги муваффақиятларини ҳикоя қилиб берди ва ўз мамлакатининг Коммунистик партияси раҳбарлиги номидан Америка коммунистларига меҳнаткашларнинг манфаатлари учун олиб бораётган курашда янги муваффақиятлар тилади.

КАМБОДЖА. Кундан-кунга ўсиб бораётган ватанпарварлик ҳаракати олдида ожизлик қилаётган Лон Нолнинг реакцион тузуми ҳарбий хизматга ёш болаларни ҳам олмоқда. Сиз суратда кўриб турган уш бу ўн бир ёшли болалар партада ўтириш ўрнига қўлларига қурол олиб Камбоджа армиясида хизмат қилмоқдалар. «Дейли уорлд» — ТАСС фотоси.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИнинг турмаларида минглаб йигит-қизлар азоб чекмоқдалар. Бу ерда ҳукм сураётган ирқчилик қонуни африкаликларни барча ҳуқуқлардан чеклабгина қолмай, уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳам камситмоқда. Бу мамлакатда қора танли африкалик қаерга бормасин «Фақат оқлар учун» деган ёзувга дуч келади. Шундай ёзув осилган черков, кинотеатр, ресторан, театр, магазинларга негрнинг кириши мумкин эмас. Ҳатто шаҳар транспортида ҳам ирқчилик ҳукм сурмоқда. Яшил автобусларда негрлар, қизилларида оқ танлилар юришади. «Пиплз уорлд» — ТАСС фотоси.

СОВЕТ—ЖАЗОИР ҲАМКОРЛИГИ

ЖАЗОИР. (ТАСС). СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси савдо министри Л. Якер бу ерда 1972—1973 йилги савдо битимини имзоладилар.

Битим икки мамлакат ўртасидаги савдо оборотни янада кўпайишини кўзда тутади. Совет — Жазоир савдо обороти 1971 йилдагига нисбатан 50 процент кўпаяди. Битимга биноан, СССР Жазоирга турли машина ва ускуналар етказиб беришни кўпайтиради. Жазоир эса нефть, цитрус мева, шунингдек бир қанча саноат моллари етказиб беради.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ САВДО

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Шу йил ВХР ички савдо министрлиги социалистик мамлакатлар — Болгария, ГДР, Польша, Руминия, Чехословакия ва Совет Иттифоқи билан 2 миллиард форинтли мол савдо қилади. Будапештда шу ҳақда битим имзоланди.

Битимга мувофиқ, Венгрия шу йил ГДР, Руминия ва Чехословакиядан миллион жуфт пойафзал, ГДР, Польша ва ЧССРдан тўқимачилик ва тикувчилик саноати маҳсулоти, СССР ва Руминиядан балиқ консервалари олади.

ВХР ички савдо министрлиги Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг шундай министрликлари билан яхши ҳамкорлик қилиб туради. Венгрия СССР билан кийим-кечак, пластмасса буюмлар, кир ювадиган воситалар, қоғоз буюмлар, ичимлик ва бошқа моллар алмашади.

МИСЛСИЗ БОМБАРДИМОНЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Америка авиацияси Вьетнамнинг турли районларини бомбардимон қилишни кун сайин кучайтириб бормоқда.

Матбуотнинг маълумотларига кўра, Жанубий Вьетнамга бомба зарбаларини эўрайтириш учун яна салкам 40 та «В-52»» бомбардимончи самолётлар ишга туширилган.

Филиппиндан Жанубий Вьетнамдаги Америка базаларига пинҳона яна бир «Фантом» қирувчи бомбардимончи самолётлар эскадрильяси келтирилди. Бундан аввал Гонконгдан «Констеллейшн» авианосеци Тонкин қўлтиғига юборилган эди. Америкининг Гуамдаги авиация базаларига бу ерга президент Р. Никсон учиб келиши арафасида яна 30 та «В-52» стратегия бомбардимончи самолётлар келди.

Никсон Пекинга келди

ПЕКИН, 21 февраль (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Америка Қўшма Штатларининг президенти Р. Никсон бугун расмий визит билан бу ерга келди.

ЧИЛИДА сув тошқини

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чилида бўлиб ўтган кучли тошқин шимолий вилоятларнинг аҳолисига ва экономикасига катта моддий зарар етказди. Антофагаста ва Тарапака вилоятлари «табиий офат зоналари» деб эълон қилинди. Аҳоли яшайдиган бир қанча пунктларни сув босди, сув ва электр таъминоти линиялари шикастланди. Шу райондаги асосий автомобиль йўли «Панамериканг» йўлини сув босди.

Мазкур икки вилоятнинг ўзидагина 400 га яқин уй-жой бинолари вайрон бўлди. 2 мингдан кўпроқ киши бошпанасиз қолди. Шимолий вилоятларнинг қишлоқ хўжалигига катта зарар етди.

Ижтимоий ишлар ва транспорт министри Пасчуаль Бараса ва ички ишлар министри Эрнан Дель Канто табиий офат юз берган районларга жўнаб кетдилар. Ҳукумат зарар кўрган районларга ёрдам бериш учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Бузилган уйлар, йўллар ва бошқа иншоотларни тиклаш учун махсус маблағ ажратилди.

АНГЛИЯ КРИЗИС ИСКАНЖАСИДА

Капитализм бешиги бўлган Англия шу кунларда жуда аянчли кризисга дучор бўлиб қолди. Мамлакат экономикаси батамом издан чиқди. Электр энергия етишмаётганлиги сабабли кўпчилик саноат корхоналари ҳозир хафтасига атиги уч кун ишламоқда. Темир йўл орқали юк ташиш жуда камайиб кетди. Кеч кириши билан Англия шаҳарларининг кўчалари қоп-қоронғи бўлиб қолади. Бир қанча районларга сув бериш тўхтатилди. Саноат ва савдо министри Д. Дэвиснинг айтишича, аҳвол ўзгартирилмайдиган бўлса, февраль ойининг охирларига бориб Англиянинг бутун саноатида иш тўхтаб қолади.

300 минг инглиз шахтёрининг етти хафтадан бери давом этиб келаётган забастовкасига жавобан консерваторлар ҳукумати жорий қилган фавқулодда ҳолатнинг оқибатлари ана шундай бўлиб чиқди. Ҳозир кўмирнинг сўнгги запаслари тугаб бормоқда. Хит ҳукумати фавқулодда ҳолатга таяниб, электр энергиядан фойдаланишнинг қаттиқ лимитларини жорий этди. Натижада кейинги вақтларда ишдан махрум бўлган яна камида икки миллион киши Англияда доимий ишсиз бўлган бир миллион киши сафига қўшилди. Консерваторлар ишчиларнинг манфаатларига зид бўлган ва корхона эгаларига қўл келадиган ана шундай чоралар ёрдамида саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишчиларни ўз ўртоқлари бўлган кончиларга қарши гиж-гижлашга умид боғламоқда. Бироқ мамлакатга етган иқтисодий зарар кончиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондириш учун зарур бўлган маблағдан анча ошиб кетди.

Корхона эгалари манфаатларини кўзлайдиган ҳукумат меҳнаткашлар ҳамма отрядларининг адабини бериб қўймоқ учун бу қадар қатъият кўрсатишга қарор берганлигини Англия ишчилар синфи жуда яхши тушуниб турибди. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг ишчилар синфи орасига нифоқ солиш йўлидаги ҳамма уринишлари ишчилар синфи ҳамма отрядларининг бирдамлиги мустаҳкам деворига урилиб, чил парчин бўлмоқда. 15 февраль куни Англия парламенти ёнида бўлиб ўтган кўп минг кишилик намойиш бути зўр куч билан исботлади. Лондон босмахоналарининг ходимлари, машинасозлар, почта хизматчилари, Англиядаги энг кучли транспорт ишчилари касаба союзининг аъзолари шахтёрлар билан ёнма-ён қадам ташлаб келдилар. Буюк Британия Коммунистик партияси Лондон бўлими вакилларининг катта группаси ҳам намойишда Қизил Байроқ остида қатнашди.

Мамлакатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган консерваторлар ҳукуматининг ишчилар манфаатларига қарши сиёсати парламентда қаттиқ танқид қилинди. Кўпгина лейбористлар ўз нутқларида бу йилги ҳарбий ҳаражатларни 300 миллион фунт стерлинг кўпайтириб, кончиларнинг одилона талабларини қондиришдан бош тортаётган ҳукуматнинг масъулиятсизлигини кўрсатиб ўтдилар.

Г. ШИШКИН. (ТАСС).

ИТАЛИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

Италия республикасининг президенти Ж. Леоненнинг декретига биноан, христиан демократ Ж. Андреотти Италия министрлар советининг раиси қилиб сайланди. У фақат битта христиан демократар партияси намояндаларидан иборат янги ҳукуматга бошчилик қилади. Шу билан мамлакатда ўн йилдан бери христиан демократлар, социалистлар, социал демократлар ва республикачилар партиясидан иборат составдаги «сўл марказчилар» ҳукумат коалициясига хотима берилди.

Маҳаллий сиёсий обзорчиларнинг фикрича, бир партия намояндаларидан иборат янги ҳукумат парламентда кўпчилик овозга эга эмас, чунки сўл марказчилар коалициясига кирган социалистлар, социал-демократлар ва республикачилардан иборат христиан демократларнинг собиқ иттифоқчилари янги ҳукуматни қўллаб-қувватламаймиз, деб эълон қилдилар. Бинобарин, Италия республикасининг президенти парламентни тарқатиб юборишга ва мамлакатда муддатидан илгари сайлов ўтказишга, сайлов бўлиб ўтгунча Андреотти ҳукумати ўз вазифасини бажариб туришга мажбур бўлади.

Италиянинг сўл сиёсий партиялари христиан демократларнинг бу ишига христиан демократлар партия раҳбар группасининг энг реакцион қисми тазйиқи остида меҳнаткашларнинг демократик галабаларига қарши қилинган ҳужум, деб баҳо бермоқдалар. Италия социалистик партиясининг органи «Аванти» газетаси «Янги ҳукуматнинг составини христиан демократлар партияси ўнг йўлни танлаб олганлигидан далолат бермоқда», деб ёзади. «Унита» газетаси ҳам ўзининг бош мақоласида худди шу фикрни таъкидлаб ўтди ва ҳукуматнинг состави, унинг қандай қилиб тузилганлиги христиан демократларнинг мамлакат бутун ички сиёсий ҳаётини ўнгга қараб буриш ниятида эканликларини равшан кўрсатди, деб таъкидлади. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3%ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ

45 ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1972 йил 15 февралда Донецк шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма ўттиз олти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100116	50*)	500	132642	1—50	40	167300	08*)	500
100273	25*)	500	133349	16*)	500	167481	01*)	500
100391	11*)	500	133682	1—50	40	167690	23*)	500
100941	28*)	500	134447	34*)	1000	168076	16*)	500
101854	27*)	500	135217	1—50	40	168090	1—50	100
102231	18*)	500	135303	1—50	40	168598	1—50	40
102739	1—50	40	136741	39*)	500	169068	44*)	500
103315	12*)	2500	137261	50*)	1000	169070	14*)	500
103971	13*)	500	137695	1—50	100	169896	1—50	40
104008	04*)	500	137982	29*)	500	170012	1—50	40
104260	40*)	500	138834	1—50	40	170292	12*)	500
104459	09*)	500	139060	35*)	5000	170839	1—50	100
105554	49*)	500	139262	15*)	500	170867	14*)	500
105810	1—50	100	139270	40*)	500	171683	1—50	100
106382	39*)	500	140179	05*)	500	172360	1—50	40
107751	18*)	500	140237	32*)	500	173082	1—50	100
108014	34*)	500	140480	30*)	500	173627	15*)	500
108216	30*)	500	140591	17*)	500	173919	34*)	500
109278	13*)	500	140822	18*)	1000	174259	29*)	500
112465	18*)	500	141225	1—50	100	175054	44*)	1000
113043	07*)	500	143143	12*)	1000	175822	1—50	40
113360	26*)	500	143592	39*)	500	175861	1—50	100
113383	40*)	500	143820	1—50	40	176121	1—50	100
113788	21*)	1000	145238	1—50	100	176222	49*)	500
113967	1—50	100	145314	05*)	500	177212	20*)	500
115484	1—50	40	146081	07*)	500	177908	1—50	40
116014	45*)	500	146269	1—50	40	178062	1—50	40
116415	39*)	500	146955	1—50	100	178973	07*)	500
116699	1—50	100	147118	25*)	500	179166	1—50	40
116838	1—50	40	147147	33*)	1000	179933	1—50	40
116903	1—50	40	148025	35*)	500	180736	37*)	500
117543	01*)	500	148743	16*)	500	181777	1—50	40
117613	03*)	5000	149169	13*)	1000	181987	39*)	500
118118	24*)	500	149177	01*)	500	183139	09*)	500
118314	07*)	500	149589	1—50	40	184266	36*)	500
118679	04*)	500	149879	02*)	500	184345	1—50	40
119287	38*)	500	151267	11*)	500	185236	27*)	500
119473	1—50	40	152933	1—50	40	185969	08*)	500
119605	40*)	1000	153140	03*)	500	186990	25*)	500
119700	47*)	1000	153203	1—50	40	187235	37*)	500
120213	40*)	500	153257	14*)	1000	189720	23*)	500
120280	1—50	40	153801	25*)	500	189920	13*)	500
122091	22*)	500	154058	49*)	500	190495	1—50	40
122107	42*)	500	154150	33*)	1000	190679	10*)	500
122199	19*)	500	155064	02*)	500	192002	38*)	500
122284	18*)	500	156231	06*)	500	192536	50*)	500
122663	26*)	500	156963	49*)	2500	192679	17*)	1000
124051	34*)	1000	157357	13*)	2500	192719	35*)	2500
124618	26*)	500	157739	30*)	500	193130	15*)	500
125011	1—50	100	157818	1—50	40	193262	49*)	500
125292	35*)	500	158027	40*)	500	193295	33*)	1000
126224	06*)	500	159209	1—50	40	193774	49*)	500
126440	1—50	40	159992	1—50	40	193975	03*)	500
128171	1—50	100	160058	33*)	1000	194406	29*)	500
128324	33*)	500	161231	08*)	500	196135	42*)	500
128422	27*)	500	162793	05*)	500	196986	10*)	2500
129310	26*)	500	163259	08*)	500	197403	32*)	500
129989	1—50	40	164880	05*)	500	197557	41*)	500
130275	13*)	500	164934	22*)	1000	198760	1—50	40
131137	03*)	500	165887	1—50	40	199195	1—50	40
131558	02*)	1000	166139	1—50	40	199620	39*)	500
131568	04*)	1000	166315	01*)	500	99630	01*)	500
131715	39*)	500	166870	42*)	1000			

*Шу сериядаги облигациянинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Донецк область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. АСЕЕВ.

Комиссиянинг масъул секретари Л. П. ЕСИНА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.15 — ТОШКЕНТ. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — МАРҲАБО, ТАЛАНТЛАР! 12.30 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — **Марек Пегуснинг ғаройиб саргузаштлари** (телефильмнинг 4-серияси). 18.15— Ёзувчилар ўз қаҳрамонлари ҳақида. 18.35 — Ахборот. 18.45 — Ёшлар ижоди. 19.15 — **Умаржон Отаев** куйлайди. 19.45— Ахборот. 20.00 — Миллионлар ленинча университети. 20.30—Қардош халқлар адабиёти. 21.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Болтиқ осмони** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Мультфильм. 19.00 — Здоровье. 19.30 — Концерт. 20.00 — «Мардлик—мангулик». 20.30 — **Қизил майдон** (бадиий фильмнинг 2-серияси) 22.30 — **Хоккей:** «СПАРТАК» — «ДИНАМО».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 22.20 — **Антоша Рибкин** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/II да **Севилия сартароши**, 23/II да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да **Мирзо Улуғбек**, 23/II да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да **Фарғона тонг отгунча**, 24/II да **Тошболта ошиқ**.

КИНО

Садоқат (2 серия) — НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, «КЎКЧА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруғ), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 ва 8.45 минутда).

Уч гувоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруғ), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Туманли тун — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруғ).

Денгиз ўт ичида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 да).

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 55-ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАГАЗИНИ

(Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 17-уй)

корхона ва муассасаларга маданий-хўжалик молларини пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Мактаб, мактаб-интернат, болалар уйлари, касалхона, поликлиника, санаторий, дам олиш уйлари, маданият саройлари, клублар, спорт муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига моллар лимитга киритилмасдан сотилади.

Магазинда ҳар хил телевизорлар, радиолалар, радиоприёмниклар, соатлар, магнитофонлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари мавжуд.

Магазинга марҳамат қилинг!

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт —337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура—337152. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.

Б. — 44. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03240